

ХАМКОР ЎСИМЛИКЛАР-АГРОЦЕНОЗ

Мамиров Нурбек Войитқул ўғли

Агротехника ва ўсимликларни

химоя қилиш бўлим бошлиғи

Аннотация: Мазкур мақолада дон ва дуккакли экинлар ижобий шакллантирилган ўсимликлар агроценозида маҳсулот сифати яхшиланади ва унинг миқдори ортади. Буни вика ва жавдар ўсимликлари билан олиб борилган тадқиқот натижасидан ҳам кўриш мумкин. Вика ва жавдар соф холда экилганида унинг таркибидаги хом протеин миқдори 16,9 %, 6,3 % (тегишли равишда) тенг бўлиб агроценозда ушбу кўрсаткич 8,8 % ни ташкил этган. Агроценозда жавдар таркибидаги оқсил миқдори 2,5% га ортди. Демак, агроценозда вика ўсимлиги кўпроқ азотни синтез қилди. Шўрланган тупроқ шароитда дуккакли дон экинлар унумдорлигини ошириш учун уларни донли экинлар билан бирга қўшиб экиш тавсия этилган. Бунда кузги жавдар соф холди экилганда гектаридан 175.1ц / га , дуккакли дон экинларидан бўлмиш вика билан бирга экилганда 198.9 ц/га яшил масса олинган.

Калит сўзлари: *тупроқ, ўсимлик нав, Яреллов, Восток-55*

Кириш Агроценоз биоценознинг таркибий қисмларидан бўлиб инсон томонидан қишлоқ хўжалик экин турлари ва уларнинг навларини мақсадли танлаш билан шакллантирилади. Ўсимликлар агроценозини шакллантиришдан асосий мақсад, ҳосил миқдори ва унинг сифатини яхшилаш билан бирга тупроқ унумдорлигини оширишдан иборат. Бундай хусусият дуккакли дон экинларига хосдир. Маълумки, дуккакли дон экинлари тупроқ унумдорлигини оширади ва озука сифатини яхшилайти. Шу билан бирга кузги дуккакли дон экинларининг вегетация даври куз ва қиш ойларига тўғри келиб, тупроқнинг юза қисмини тўлиқ қоплаши эвазига уни ёмғир ва шамол эрозиясидан сақлайди.

Дуккакли дон экинларини агроценозда кенг фойдаланиш уларнинг биологик хусусиятлари билан боғлиқ. Маълумки, кузги дуккакли дон экинлари ёйилиб ўсади. Суғориладиган тупроқ шароитида намлик кўп бўлган эрта баҳорда тупроқ юзасига яқин жойлашган ўсимляк поялари чирийди. Бу ўз навбатида ҳосил миқдори ва унинг сифатига таъсир кўрсатади. Айниқса, дуккакли дон экинлар уручилигини ташкил этишда қийинчиликларни юзага келтиради. Мазкур масаланинг ижобий ечими дуккакли дон экинлар агроценозини илмий асосда шакллантириш билан боғлиқ.

Ўсимликлар агроценозини тўғри шакллантириш илмий асосларни талаб этади. Бунда биринчи навбатда гетероген агроценоз учун ўсимлик тур ва навларини тўғри танлашда уларнинг биологик хусусиятларини эътиборга олиш мақсадга мувофиқдир. Мухими, ўсимликлар агроценози комплементар таъсир доирасида амалга ошиши керак. Ўз навбатида шуни қайд этиш керакки, шўрланган тупроқ шароитида кузги дуккакли дон экинлар агроценозининг илмий асослари аниқланмаган. Айниқса, ўсимликлар агроценозини шакллантиришда қишлоқ хўжалик экин турлари ва навларини танлаш ва уларни оптимал меъёردа экиш масалалари яхши ўрганилмаган.

Дунё миқёсида, жумладан, Республикамизда ўсимлик оқсиллигига бўлган талаб хаамон юқори бўлиб келмоқда. Бунга қадар минтақанинг тупроқ иқлим шароитига мос кузги дуккакли дон экинларининг маҳсулдор ва сифатли ҳосил бериш имкониятига эга бўлган навларнинг яратилмаганлиги, уруғчилик ишлари йўлга қўйилмаганлиги ҳамда агротехнологиктадбирларнинг тўлиқ ишлаб чиқилмаганлиги сабаб бўлмоқда.

Ушбу йўналишда олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, кузги жавдар соф ҳолда экилганида гектаридан 175.1 ц/га, дуккакли дон экинларидан булмиш вика билан бирга экилганида 198.9 ц/га яшил масса олинган. Жавдар соф ҳолда экилганида гектаридан 507,3 кг, вика билан бирга экилганида 650 кг/га оқсил олинган. Айнан шундай натижа кузги бугдой билан ҳам қайд этилган. Кузги бугдой соф ҳолда экилганида гектаридан 165,1 ц/га, вика билан бирга экилганида 203,2 ц/га яшил масса олинган. Мазкур вариантда оқсил миқдори 500,3 кг дан 666.1 кг гача ортганлиги қайд этилган [1].



1-расм. Чапада Тритикале “Ярело”-Хашаки нўхот “Восток-55” агроценози, Ўнгда Тритикале “Ярело”- Бокла “Visa vilosa” агроценози.

Ўсимликлар агроценозини шакллантиришда табиий иқлим шароитни эътиборга олиш мақсадга мувофиқдир. Нисбатан қуруқ иқлим шароитида агроценоз таркибига вика ва тритикале ўсимликларидан фойдаланиш тавсия этилган. Бундай ҳолатда яшил масса миқдори 221 кг/га дан 278 кг/га ортганлиги аниқланган. Ушбу

ўсимликлар агроценозида 1 кг яшил масса таркибида оксил микдори 24,4 г дан 35,8 г, каротиноид микдори 28,8 мг дан 42,8 мг гача ортганлиги аниқланган [1].

Ўз навбатида шуни қайд этиш керакки, ўсимликлар нисбати тўғри танланмаган агроценозда салбий натижалар ҳам аниқланган. Натижада, ўсимликларнинг микдорий кўрсаткичларида кучли вариацияланиш қайд этилган. Буни вика ўсимлиги билан ўтказилган тажрибадан ҳам кўришмумкин. Вика ўсимлиги соф холда экилганида оксил микдори 205 г/кг ниташкил этган бўлса агроценозда 189,7 г/кг ни ташкил этди. Бундайҳолатнинг қайд этилиши экиш меъёрининг оптимал бўлмаганлиги биланизохланган [2]

Кузги дуккакли дон экинларини кенг ишлаб чиқаришга жорий этилишига тўсқинлик қилувчи омиллардан бири уларнинг уруғчилигини ташкил этиш ва механизация ёрдамида етиштириш билан боғлиқ. Юқорида қайд этиганимиздек кузги дуккакли дон экинлари ёйилиб ўсганлиги сабабали уларнинг уруғларини механизация ёрдамида йиғиштиришда айрим қийинчиликлар юзага келмокда. Шу сабабдан уларни таянч ўсимликлар билан бирга экиш уруғчилик донни механизация ёрдамида йиғиштириб олиш ва сифатли уруғлик дон тайёрлаш имкониятини беради. Соф холда экилган вика навларнинг унувчанлиги 77-83 % ни ташкил этган булса агроценозда ушбу кўсаткич -93-96 % ни ташкил этди [3].

Ижобий шакллантирилган ўсимликлар агроценозида маҳсулот сифати яхшиланади ва унинг микдори ортади. Буни вика ва жадар ўсимликлари билан олиб борилган тадқиқот натижасидан ҳам кўриш мумкин. Вика ва жавдар соф холда экилганида унинг таркибидаги хом протеин микдори 16,9 %, 6,3 % (тегишли равишда) тенг бўлиб агроценозда ушбу кўрсаткич 8,8 % ни ташкил этган. Агроценозда жавдар таркибидаги оксил микдори 2,5% га ортди. Демак, агроценозда вика ўсимлиги кўпроқ азотни синтез қилди. Кўпроқ синтез қилинган азотдан жавдар ўсимлиги фойдаланганлиги сабабли унинг таркибидаги оксил микдори ортди. Шу билан бирга агроценозда таркиби оксилга бой 320 ц/га (220 ц/га п) яшил масса олинди[4].

Маълумки, экин майдонларининг шўрланганлиги ҳамон қишлоқ хўжалигининг долзар масалаларидан бири бўлиб қолмокда. Ушбу масаланинг ижобий ечимларидан бири шўрланган тупроқлар унумдорлигини ошириш билан бирга уларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга ҳам боғлиқ. Бу ўринда фитомелиорант ўсимликлар ва улардан агроценозда фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Маълумки, қишлоқ хўжалик экинлари орасида тритикале шўрга ва курғоқчиликка чидамли ўсимликлардан ҳисобланади. Айнан шундай тадқиқотлар дон ва дуккакли дон экинлари билан ҳам олиб борилди. Натижа шуни кўсатдики, тритикаледан 200-220 ц/га, тритикале-вика билан бирга экилганида 280-300 ц/га яшил масса олиш мумкинлиги аниқланди. Шу билан бирга вика ўсимлиги фитомелиорант ўсимликларидан эканлиги аниқланди. Таҳлил натижалари шуни

кўсатдики, вика ўсимлиги таркибида хлор иони 0,801% ни тритикаледа ушбу кўрсаткич 0,070 % ни ташкил этди. Ушбу маълумотлардан вика тритикалега нисбатан 10 баробар хлор ионини ўзлаштирганлигини кўриш мумкин. Бу вика ўсимлигининг шўрга чидамлилигидан далолат бермоқда[5].

Тошкент вилояти шароитида вика ва сули бирга экилганида 352,5 ц/га, Сурхандарё вилояти шароитида эса ушбу кўрсаткич 317,3 ц/га ташкил этди. Бу ўз навбатида вика ва сулидан кейин экилган даладан қўшимча 4,0 ц/га пахта олинган.

Умуман олганда адабиётлар таҳилида келтирилган маълумотлардан, ўсимликлар агроценозидан мақсадли фойдаланиш дуккакли дон экинлари хосилдорлиги, унинг сифати ҳамда тупроқ унумдорлигини оширишга имконият берди. Шўрланган тупроқ шароити учун илмий асосланган дуккакли дон экинлар агроценозини шакллантириш тупроқ унумдорлигини ошириш, чорва озуқа базасини мустахкамлаш ва сифатини яхшилаш ҳамда уларнинг уруғчилигини йулга қўйиш имконини беради. Бунинг учун Республикамизда дуккакли дон экинларининг иқимлаштирилган хашаки нўхотнинг (Востак-55), виканинг (Мирзачўл-1) ҳамда донли экинлардан тритикале, жавдар, сули каби экин турлари ва уларнинг навлари яратилган. Ушбу ўсимликлар иштирокида илмий асосланган агроценозни шакллантириш шўрланган тупроқлардан узликсиз ва самарали фойдаланиш имкониятини беради.

Адабиётлар

1. Лаханов А.П., Парахин Н.В. Вика мохнатая (*Vicia villosa* Roth) в Европейской части России. Орел.: Изд-во Орел ГАУ, 2002. — 344 с
2. И.Т. Трофимов, М.В. Толстов., А.В. Быстров., В.В. Порядин. Вика мохнатая-ценная кормовая культура для кислых и щелочных почв. Вестник Алтайского государственного университета.Ns 8(70). 2010. с.9-12.
3. В.Н. Золотарев. Агробиологические основы возделывания вики посевной (*Vicia sativa* L) на семена в гетерогенных агроценозах в условиях центрального Нечерноземья России. Сельскохозяйственная биология, 2016, том 51, N 2, с.194-203.
4. Виноградов В.Н. Совместные посевы бобовых культур // Тр. второй науч. конф. по зернобобовым культурам на Востоке лесостепной полосы. 21-24 дек. 1965 г.- Казань: Изд-во Каз. ун-та, 1967. —С. 489-495.
5. Т.Кулиев., А.Эшқувватов.,С.Тухтамишов. Голлоаккумуляция солеустойчивость сортов сорго. Международная заочная научного конференция. Тошкент 2017. 89-94